ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД
БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ

ANDIJAN STATE
UNIVERSITY NAMED
AFTER ZAKHIRIDDIN
MUKHAMMAD BABUR

ИЛМИЙ ХАБАРНОМА

Серия: Гуманитар тадқиқотлар

SCIENTIFIC BULLETIN

Series: Humanitarian Studies

2021 / №1 (53)

Андижон
2021 йил

Муассис:

Zahiriddin Muhammad
Bobur nomidagi
Andijon davlat universiteti

ИЛМИЙ ХАБАРНОМА.
Серия: Гуманитар тадқиқотлар

Журнал бир йилда 8 марта
(серия 2 марта) чоп этилади.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва Оммавий коммуникациялар
агентлиги томонидан 2020 йил 17 августда 1097 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси: 344

Нашр учун масъул:
Д.Неъматова

Журнал фалсафа, тарих, филология, педагогика, кимё ва биология фанлари бўйича Олий Аттестация комиссиясининг диссертациялар натижалари юзасидан илмий мақолалар эълон қилиниши лозим бўлган нашрлар рўйхатига киритилган.

Босишга рухсат этилди: 23.03.2021.
Қоғоз бичими: 60x84 $^{1}/_{8}$.
Босма табоғи: 13,5.
Офсет босма. Офсет қоғози.
Адади: 110 дона.
Баҳоси келишилган нархда.
Буюртма №:21

«Ҳаёт нашри - 2020» нашриёти
матбаа бўлимида чоп этилди.
Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129

Таҳририят манзили:
170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129.
Телефон: +998911602043. Факс: (374) 223-88-30
E-mail: adu_xabarnoma@mail.ru
Расмий сайт: www.ilmiyxabarnoma.uz

Таҳрир ҳайъати раиси:
Расулов Бахтиёр Махмуджонович – тарих фанлари доктори
(Андижон, Ўзбекистон)

Фалсафа
Саифназаров Исмоил Саифназарович – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Иззетова Эмине Мустафаевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Маҳмудова Гули Тилабовна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Юлдашева Фарида Хужамқуловна – фалсафа фанлари доктори
(Андижон, Ўзбекистон)
Когай Евгения Анатольевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Курск, Россия)
Нуришева Гульжихан Жумабаевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Олмота, Қозоғистон)
Шарипова Эркайим Козуевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Ўш, Қирғизистон)

Тарих
Шамсутдинов Рустамбек Темирович – тарих фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Исҳоқов Мирсодиқ Мирсултонович – тарих фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Асқаров Аҳмадали Асқарович – тарих фанлари доктори, ЎзР ФА академиги (Тошкент, Ўзбекистон)
Расулов Абдулла Нуритдинович – тарих фанлари доктори, профессор (Наманган, Ўзбекистон)
Амелин Веналий Владимирович – тарих фанлари доктори, профессор (Оренбург, Россия)
Койгелдиев Мамбет Кулжабаевич – тарих фанлари доктори, профессор (Олмота, Қозоғистон)
Кененсариев Ташманбет Кененсариевич – тарих фанлари доктори, профессор (Бишкек, Қирғизистон)
Комилов Ойбек Камилович – тарих фанлари доктори (Андижон, Ўзбекистон)

Адабиётшунослик
Йўлдошев Қозоқбой Бойбекович – педагогика фанлари доктори, профессор (Гулистон, Ўзбекистон)
Тўхлиев Боқижон – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Юсупова Альфия Шавкетовна – филология фанлари доктори, профессор (Казан, Россия)
Мирзаева Салимахон Райимжоновна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Қосимов Абдуғопир Абдукаримович – филология фанлари доктори (Фарғона, Ўзбекистон)
Ҳамдамов Улуғбек Абдуваҳобович - филология фанлари доктори (Тошкент, Ўзбекистон)
Кунафин Гиниятулла Сафиуллович – филология фанлари доктори, профессор (Уфа, Россия)
Ҳусейн Бойдемир – филология фанлари доктори, профессор (Эрзрум, Туркия)
Абдуқодиров Абдусалом – филология фанлари доктори, профессор (Хўжанд, Тожикистон)
Вали Саваш Йелок – филология фанлари доктори (Анқара, Туркия)

Тилшунослик
Маҳмудов Низомиддин Мамадалиевич – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Ҳошимов Ғанижон Мирзаахмедович – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Менглиев Бахтиёр Ражабович – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Шаҳобиддинова Шоҳида Ҳошимовна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Набиева Дилора Абдулҳамидовна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Алефиренко Николай Федорович – филология фанлари доктори, профессор (Москва, Россия)
Зулпикаров Қапар Зулпикарович – филология фанлари доктори, профессор (Ўш, Қирғизистон)
Бердиалиев Абдували – филология фанлари доктори, профессор (Хўжанд, Тожикистон)

Муҳаррир:
Д.Ҳ.Қуронов, филология фанлари доктори, профессор

МУНДАРИЖА

ФАЛСАФА

У. БЎТАЕВ, О. ҒАНИЕВ
«Ақлий марказлар» – давлат ва жамият бошқарувини ривожлантирувчи асос.....5

ТАРИХ

А. МАМАЖОНОВ
Андижонликларнинг Фарҳод ГЭСи қурилишига қўшган ҳиссаси.....14

О. ЗАРИПОВ
Туркистон ўлкасида ирригация ва сув тақсимотига оид илк қонунлар.....23

М.М. ЭРГАШЕВА
Андижон вилояти архив фондларининг шаклланиш тарихидан (1921–1970 йиллар).....32

С.А. ҲОШИМОВ
Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда диний сиёсати тарихидан.....41

Ш.Т. САИДАХМАТОВ
Мустақиллик йилларида Термиз шаҳри агломерацияси муаммолари.....51

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Д.З. АБДУЛЛАЕВА, И.А. МАДГАЗИЕВ, С.И. ИСЛОМОВА
«Дархон» газетаси ва Чўлпоннинг журналистик фаолияти.....59

И.А. МАДГАЗИЕВ
XIX аср сўнгги чораги ва XX аср бошлари Андижон адабий муҳити манбалари.....70

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.Х. ШАХОБИДДИНОВА, Д.В. ПОПОВ
О языке массовой культуры.....79

Ғ.М. ҲОШИМОВ, Ҳ.О. ҚОСИМОВА
Турли тизимдаги тилларда кириш бўлакларнинг лингвокогнитив ва лингвокультурологик жиҳатлари.....89

Ғ.М. ХОШИМОВ, С.Ж. НАЗАРОВА
Турли тизимдаги тилларда поликомпонентли қўшма гапларнинг мақоми ва дискурсив жиҳатлари.....98

З.М. ҚОДИРОВ
Ўзбек тили келишик системасининг ўзаро функционал-семантик нейтрализацияси.....108

Д.С. НЕЪМАТОВА
Чўлпон публицистик асарлари услубиятига доир.....116

М.Т. ХАЛИЛОВА
Илмий-оммабоп нутқ матнлари ва уларнинг услубий хусусиятлари.....124

CONTENTS

PHILOSOPHY

U. BOTAEV, O. GANIEV
«Think tanks» – the basis for the development of government and public administration.....5

HISTORY

A. MAMAJONOV
Contribution of andijan people to the construction of Farhod hydroelectric powerstation.....14

O.O. ZARIPOV
The first laws on irrigation and water distribution in the turkistan region.....23

M.M. ERGASHEVA
From the history of formation of archival funds of andijan region (1920-1970).....32

S.A.KHOSHIMOV
From the history of the religious policy of the soviet government in Uzbekistan....41

SH.T. SAIDAHMATOV
Problems of Termiz city aglomeration In the years of independence.....…51

LITERARY STUDIES

D.Z. ABDULLAEVA, I.A. MADGAZIEV, S.I. ISLOMOVA
Darkhon newspaper and chulpon's journalistic activity.....59

I.A. MADGAZIEV
Sources of the andijan literary environment of the last quarter of the XIX century and the beginning of the xx centuy.....70

LINGUISTICS

Sh.H. SHAHOBIDDINOVA, D.V. POPOV
About the language of mass culture.....79

G.M. HOSHIMOV, H.O. KOSIMOVA
Linguvocognitive and linguculturological aspects of introduction in different languages.....89

G.M. XOSHIMOV, S.J. NAZAROVA
Status, length and discoursive features of polycomponential composite sentences in non-related languages.....98

Z.KODIROV
Functional-semantic neutralization of the uzbek language case system.....108

D.NE'MATOVA
Chulpon on the style of publicistic works.....116

M.T. KHALILOVA
Popular-scientific speech texts and their stylistic peculiarities.....124

УДК 1.323/327 (575.1)

«АҚЛИЙ МАРКАЗЛАР» – ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИНИ РИВОЖЛАНТИРУВЧИ АСОС

У. Бўтаев, О. Ғаниев

Мақолада «Ақлий марказ»ларнинг келиб чиқиши, йўналишлари, бугунги кундаги аҳамияти таҳлил қилинган. Жаҳон ҳамжамиятида «ақлий марказ»лар «бешинчи ҳокимият» сифатида эътироф этилиши ҳамда ривожланган мамлакатлар сиёсатида етакчи аҳамият касб этади.»Ақлий марказ»ларни ривожланишида АҚШ ва Россия тажрибаси келтирилган. Ўзбекистон Республикасида «Ақлий марказ»ларнинг ҳолати, уларнинг ривожланиш зарурати ўрганилган.

Калит сўзлар: *«Ақлий марказ», интеллект, интеллектуал хавфсизлик, ғоялар яратиш, тижоратлаштириш, давлат хизматчиси.*

В статье дан систематический анализ происхождения «мозговых центров», их деятельности, направлений и текущего значения. Есть примеры признания «мозговых центров» в мировом сообществе «пятой силой» и их ведущей роли в формировании политики развитых стран. Подробная информация об опыте США и России в создании «мозговых центров» также представлена в виде примеров. Кроме того, описывается состояние «мозговых центров» в Республике Узбекистан и необходимость их развития.

Ключевые слова: *«мозговые центры», интеллект, интеллектуальная безопасность, создание идей, коммерциализация, госслужащий.*

«Ақлий марказ» тушунчаси ва унинг мазмуни. «Ақлий марказ» атамаси америкалик журналист Аллен Уайт томонидан 1903 йил 21 мартда «Шанба кунининг кечки хабарлари» (‘Saturday Evening Post’) журналида ишлатилган. Ушбу атамани яна бир америкалик журналист Джеймс М. Киран ҳам «Нью Йорк вақти» (‘The New York Times’) газетасида қўллайди. 1932 йил АҚШ президентлик сайловларида Франклин Рузвельтнинг ғалаба қозонишида айнан интеллектуал элита вакилларидан иборат профессор-ўқитувчилар ҳамда таҳлилчилардан иборат бўлган «ақлий марказ» жамоасининг аҳамияти катта бўлганлиги таъкидланади [1. Б. 103–104].

«Ақлий марказ» жамият барча соҳалари ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, хавфсизлик ҳамда ҳарбий масалалар бўйича стратегик таҳлилий фаолият билан шуғулланувчи экспертлар гуруҳи ҳисобланади. Шу сабабли бўлса керак, бугун жаҳон сиёсатида «ақлий марказ»лар «бешинчи ҳокимият» сифатида эътироф этилиб, дунёнинг ривожланган мамлакатларида сиёсатни шакллантиришда етакчи роль ўйнайди, турли вазиятларда экспертлик фикрларини тавсия қилади, деган қараш устувор. Бугунги кунда «ақлий марказлар» лоббистик, инсон ҳуқуқлари, маданий ҳамда мақсадли фаолият йўналишлари бўйича тадқиқотлар олиб бормоқда.

Давлат бошқаруви соҳасига прагматик лидерларнинг келиши «ақлий марказ»ларга бўлган эҳтиёжни янада орттирди. Сабаби, давлат бошқаруви соҳасида давлатнинг стратегик режасини ишлаб чиқиш, юзага келиши мумкин бўлган эҳтимолий ёки реал хавф ва таҳдидларни аниқлаш, уларни прогнозлаш бўйича таҳлилий маълумотларга эҳтиёж ортмоқда. Шу боис АҚШ Миллий разведка бошқармасининг 2030 йилги глобал истиқбол тўғрисидаги ҳисоботида «бир томондан келгуси 15–20 йил ичида глобал муаммоларни ҳал қилишнинг асосий омили сифатида шахсий ташаббусларнинг ўсиши кузатилмоқда. Бошқа томондан, фуқаролар ва улар кичик манфаат гуруҳларининг вайрон қилувчи технологиялар (хусусан, юқори аниқликдаги қуроллардан, кибер қуроллари-

дан, биологик терроризм технологиясидан ва бошқалардан) фойдаланиш имкониятига эга бўлмоқда», деб таъкидланади [2. Б. 100]. Индустриал даврда саноат жамияти ривожи учун барқарор шарт-шароитларни кафолатлайдиган сиёсий институтлар мавжуд эмаслиги «ақлий марказ»лар фаолиятини такомиллаштириш заруратини қўймоқда.

«Ақлий марказ»лар ривожланишида АҚШ тажрибаси. Билим ҳозирги замонда ҳар бир давлатнинг асосий иқтисодий манбаларидан бири саналади. У туганмас ва қудратли кучга эга. «Ғоялар билимлар двигатели учун ёқилғидир» деган таърифни бежизга айтишмаган. Ғоялар ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий юксалишини таъминлайди. Ғоялар асосчиси – интеллектуалларнинг билими ва ақлий меҳнати маҳсули бўлган интеллектуал мулк давлатни ҳар томонлама мустаҳкамлайди.

Совуқ уруш давридан кейин ривожланишнинг асосий механизми технологик тараққиёт ва билимларни ишлаб чиқаришдан иборат бўлди. Бунга 1990-йилларда АҚШда кузатилган технологик ютуқлар, илмий ва таълим сиёсатидаги анъаналар ёрдам берди. Айни вазифа юқори малакали кадрлар тайёрлаш, фан ва таълим ўртасидаги боғлиқликни таъминловчи тадқиқот марказлари ҳамда университетлар зиммасига тушди. Бу эса, иқтисод фанлари доктори В.Б.Супяннинг сўзларига кўра, АҚШда «давлат – таълим – бизнес» яқиндан ҳамкорлик қилишга асосланган билимларни ишлаб чиқариш ва уларни кейинчалик оммалаштириш учун жуда самарали механизм мавжудлигини англатар эди [2. Б. 480]. Шу сабабдан ҳам АҚШ дунёнинг турли бурчакларидан энг зўр истеъдод эгаларини яхши ҳақ эвазига илмий техника муаммоларини ҳал қилишга жалб этди. Америкада тадқиқотлар қилиб Нобель мукофотига сазовор бўлган олимларнинг аксарияти дунёнинг турли мамлакатларидан келиб, бу ерда муқим яшаб қолган кишилардир.

«XX асрнинг 90-йилларида биргина Вашингтонда юзга яқин таҳлилий марказлар мавжуд бўлган» бўлса, 2000 йилдан сўнг умуман дунёда таҳлилий фаолиятга эҳтиёж ўсиши кузатилди, яъни уларнинг умумий сони 4,5 мингга етганини, 2009 йилнинг охирларига келиб эса 5,5 мингтани ташкил этганини қайд этиш лозим. Улар фаолиятининг кўлами, молия манбалари, вазифалари бир-биридан фарқланади. Айримлари ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатнинг муайян соҳаларига, бошқалари эса маълум бир минтақа муаммоларини ўрганишга ихтисослашди [3. Б. 4].

АҚШ «ақлий марказлари» фаолияти икки хил йўл билан – хусусий тартибда ҳамда ҳукумат муассасалари орқали тушадиган маблағлар ҳисобига молиялаштирилади. Америкалик профессор Дональд Эйбелсон ақлий марказлар ҳақида фикр билдирар экан, икки қутбли дунёда АҚШ гегемон давлатга айланиши муносабати билан Вашингтон олий раҳбарияти миллий хавфсизлик сиёсатини ишлаб чиқишда ёрдам бера оладиган ақлий марказларнинг интуитив ва компетенлигига муҳтож бўлганлиги сабабли ақлий марказлар ривожланди, деб таъкидлаган эди. Бунга Миллий Мудофаа тадқиқотлар институти (RAND), «Рим клуби», Стратегик ва халқаро тадқиқотлар маркази, Брукингс институти, Миллий демократик фонд каби ақлий марказларни мисол сифатида келтириш мумкин.

Бошқа давлатларга қараганда, ахборот соҳасини тартибга солиш АҚШ давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. 1990-йиллар бошидан 2010-йил бошларига қадар ахборот инқилобининг жадал даври бўлди. АҚШнинг ушбу соҳадаги сиёсати ҳаддан муҳим аҳамият касб этдики, натижада миллий хавфсизликни таъминлаш долзарб характерга эга бўлди.

Натижада, АҚШнинг Пенсилвания университети ҳар йили дунёдаги 6,5 мингга яқин «ақлий марказ»ларда сўров ўтказишни бошлади. Сўровнома натижаларига кўра, дунёнинг етакчи марказлари рўйхати «Глобал ақлий марказлар ҳисоботи» (‘Global Go To Think Tank Report’) номда нашр этилади. Ушбу рўйхатнинг алоҳида ҳудудлар ва минтақалар бўйича чоп этиб борилиши ҳам бежиз бўлмаса керак.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, АҚШда интеллектуал салоҳиятнинг ўсишини икки босқичга ажратиш мумкин.

Биринчи босқич, иккинчи жаҳон урушидан кейин АҚШ Президенти ҳузурида Марказий разведка бошқармаси ташкил этилиши асносида дунё илм-фанига ҳисса қўшаётган олимлар жалб қилиниши, иқтисодий жиҳатдан қийналган олимларнинг Ғарбий Европа давлатларидан олиб келиниши, уларнинг АҚШда муносиб ижтимоий шарт-шароитлар билан таъминланиши;

Иккинчи босқич, Совет Иттифоқи парчаланганидан кейин жаҳон сиёсати ва иқтисодиётида вужудга келган туб ўзгаришлар натижасида юзага келди. Бу даврда ташқи миграция кучайди, кўплаб олимларнинг ўз ватанларидан ривожланган мамлакатларга доимий яшаш учун кетиб қолиши кузатилди. АҚШ миллий илмий фонди маълумотларига кўра, ўтган асрнинг 90-йилларида жаҳон миқёсида обрўга эга бўлган математикларнинг 70–80 фоизи, назариётчи физикларнинг 50 фоизидан кўпи Россиядан АҚШга кетиб қолган, умуман, табиий фанлар соҳасида мамлакат мутахассис-олимларининг ярмидан кўпи МДҲ мамлакатларини тарк этган [4. Б. 41–48].

Россия Федерацияси тажрибаси. Дунё бозорида илм-фан, инсон омилидек бебаҳо салоҳиятнинг қимматлашиши натижасида ақл бозори «ғоялар яратиш» ёки «илм ўғирлаш» билан ривожланиб бормоқда. Бугунги кунда замонавий Россиянинг миллий хавфсизлик тизими «ақлий марказ»ларнинг аҳамияти юқорилиги билан халқаро тизимдан ажралиб туради. Чунки Россияда «ақлий марказ»ларнинг катта йўқотишлар эвазига қайта тикланишига тарихий сабоқ сифатида қаралади. Ўтган асрда «Интеллектуалларнинг мамлакатдан кетиб қолиш муаммоси» марказий ўрин тутиб, Россия давлатининг оғир аҳволга тушишига олиб келган. Россия нодавлат олий ўқув юртлари ассоциацияси кенгашининг раиси В.Зернов фикрича: «Интеллектуалларнинг мамлакатдан кетиб қолиш муаммоси» оқибатида давлат кўрган зарарни аниқлаш қийин, етакчи мутахассисларнинг кетиб қолиши оқибатида Россия иқтисодиёти бугунга қадар тахминан бир триллиондан кўпроқ зарар кўрган, деб таъкидланади. Европа Иттифоқининг таълим бўйича комиссияси маълумотига кўра ҳам: «Ҳар бир олимни йўқотиш Россия учун 300 минг долларга тушди. «Интеллектуалларнинг мамлакатдан кетиб қолиш муаммоси» оқибатида эса Россия йилига 50 млрд. доллар йўқотади, деб таъкидланади» [5. Б. 52–55]. Москва давлат университетининг ректори Виктор Садовничнинг «олий ўқув юртини тамомлаётган битирувчилардан 15%и ҳар йили мамлакатни тарк этади» [6. Б. 1] деган фикрларидан РФда интеллектларнинг давлатдан чиқиб кетиш муаммоси ҳозирга қадар сақланиб қолган, деб хулоса чиқариш мумкин.

Россиянинг хавфсизлик борасидаги концептуал ёндашуви ва қарашлари давлатнинг янги давр билан боғланишига олиб келди. Бундай ёндашув мамлакатда шаклланган қадриятлар, таълимот ва назарий фалсафий қарашлар негизида суғорилди. Бунинг мазмуни ўлароқ шахс, жамият ва давлат хавфсизлиги тўғрисидаги либерал ғояларга таянилди. Мисол сифатида 2009 йил 12 майда «РФнинг 2020 йилгача мўлжалланган миллий хавфсизлик стратегияси» ишлаб чиқилди. Мазкур стратегияда айнан Россия жамиятида замонавий ғоялар асосида шахс, жамият ва давлат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда давлат ва жамият тараққиёти учун интеллектуал салоҳият, унинг ривожланиши ва ҳимояланиш омилларини ифода этадиган «манфаат–таҳдид–ҳимоя»га асосланиши белгиланди [7. Б. 224].

Россияда интеллектуал салоҳият миллий иқтисодиёти фан ва таълим билан симбиоз сифатида ривожланди. Хусусан, Россия илмий элитасини иқтисодиётга боғлаган ҳолда диверсификация қилиш зарурати бир неча бор Россия сиёсий раҳбарлари томонидан қайд этилган. Чунончи, 2018 йил баҳорида РФ Президенти В.В. Путин «илмий ва технологик ютуқлар» миллий сиёсатнинг устувор йўналишлар эканини таъкидлади. Шунга кўра, 2018 йил мартдан бошлаб давлатда илмий-тадқиқот институтлари ташкил қилишга эътибор кучайди. Аммо бу интеллектуал салоҳиятни ошириш, инсон ресурсларини ривожлантиришда самара бермади. Чунки совет давридан бери сақланиб келган стандартлаштириш ва давлат томонидан режалаштириш олий таълим тизимининг

ўзгарувчан иқтисодий шароитларга тезда жавоб беришига имкон бермас эди. Ҳатто олий маълумотли кадрларнинг кўплиги ҳам бунга ижобий таъсир этмади. Масалан, олий маълумотли диплом бўйича ишлайдиганлар сони 2001 йилдаги 23,8% дан 2014 йилда 32,2% гача ўсишни ташкил этиши ёхуд ўрта мактабни тугатган мутахассис олий маълумот талаб қилмайдиган ишларни бажариши, қолаверса, 30 фоизга яқини ўз мутахассислиги бўйича ишламаслигини кўрсатар эди. Демак, олинган малака ва кадрлар иқтисодий ишлаб чиқаришталабларига мос эмас, деган фикрни келтириб чиқарди. Албатта, бу ҳол давлатда интеллектуал салоҳият ривожланишига катта тўсиқ бўлмоқда. Қолаверса, Россия жамиятида «ақлий марказ»лар ривожланишида илмий-тадқиқот ишларини баҳолашнинг давлат стандартлари ҳар хиллиги, илмий соҳаларнинг хусусиятлари ҳисобга олинмаслиги ҳам сабаб бўлмоқда. Ушбу ҳолат, айниқса, гуманитар тадқиқотлар соҳасида акс этмоқда. Қолаверса, Россияда таълимнинг энг катта муаммоси ўта кам молиялаштиришдир. 2017 йил ўрталарида РФда «Рақамли иқтисодиёт» дастури тасдиқланди, дастурда айтилган барча вазифалар ахборот инфратузилмаси мавжуд ҳудудлар ва тармоқларни текшириш билан чекланиб қолган.

Россия ташқи сиёсатини шакллантиришда таҳлил марказларининг учта асосий институционал шакли мавжуд:

- академик ва университет даражасидаги ақлий марказлар;

- хусусий таҳлил марказлари;

-ҳукумат даражасидаги таҳлилий марказлар.

Бугун РФда фаолият олиб борувчи ақлий марказлар қаторида «Е.М.Примаков номидаги жаҳон иқтисодиёти ва халқаро муносабатлар миллий тадқиқот институти», «Россия Фанлар академиясининг АҚШ ва Канада институти», «Ташқи ва мудофаа сиёсати бўйича кенгаш», «МДХМИ халқаро тадқиқотлар институти», «Стратегик ва технологиялар таҳлилий маркази» ҳамда «Энергетика ва хавфсизлик маркази» каби марказларни санаб ўтиш мумкин [8. Б. 4].

Ҳозирги кунда РФда «ақлий марказ» сифатида 1956 йилда Россия Фанлар академияси негизида ташкил этилган «Е.М.Примаков номидаги жаҳон иқтисодиёти ва халқаро муносабатлар миллий тадқиқот институти» етакчилик қилади. Ушбу марказ академик ва университет даражасидаги ақлий марказ ҳисобланади. Мазкур ақлий марказнинг асосий фаолияти замонавий жаҳон сиёсати ва жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг асосий тенденцияларини ўрганишга ҳамда сиёсий қарорларни қабул қилишнинг таҳлилий асосларини ишлаб чиқишга қаратилган. У Россиянинг федерал ва минтақавий органлари, оммавий ахборот воситалари, йирик давлат ва хусусий компаниялар ва бошқа марказлар билан кенг ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Бу институт бугунги кунда Россиянинг глобал тараққиёти ва миллий манфаатлари, халқаро муносабатлар тизимининг ривожланиши, халқаро хавфсизликка таҳдидлар, уларнинг олдини олиш, дунёнинг етакчи мамлакатлари ва минтақалари иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ривожланишини ҳар томонлама ўрганиш, жаҳон иқтисодий ривожланишининг энг муҳим тенденциялари, уларнинг сифати ҳамда Россиянинг глобал иқтисодиётдаги ўрни каби муҳим стратегик илмий йўналишларда фаолият олиб боради. Мазкур марказда 350 дан ортиқ таҳлилчи/эксперт фаолият олиб бориб, йиллик бюджети 2,9 млн. АҚШ долларини ташкил этади.

Хусусий даражадаги ақлий марказлардаги етакчиликни «Россия сиёсий тадиқотлар маркази» эгаллаган. Бу марказ 1994 йилда ташкил этилган бўлиб, унда 10 нафар атрофида таҳлилчи фаолият олиб боради.

Ҳукумат даражасидаги таҳлилий марказлар ичида «Ташқи ва мудофаа сиёсати бўйича кенгаш» етакчилик қилади. Бу ақлий марказ 1992 йилда ташкил этилиб, ҳозирда йиллик бюджети 0,9 млн. АҚШ долларини ташкил этади.

Хулоса сифатида айтиш лозимки, РФда фаолият олиб борувчи ақлий марказлар АҚШдаги сингари ташқи ва ички сиёсий масалаларда сиёсий қарорлар қабул қилишда бевосита таъсир қобилиятига эга эмас, аммо билдирилган таҳлилий маълумотлар расмий Кремлда инқирозли вазиятларда ҳисобга олинади.

Ўзбекистонда «ақлий марказ»ларни шакллантириш масаласи. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2021 йил 19 январь куни маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Мазкур видеоселектор йиғилишининг концептуал асоси «Жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир» деб номланди. Маърузада мамлакат истиқболини белгилаб берадиган ҳамда сиёсий қарорлар қабул қилишда таъсир ўтказадиган «ақл марказларини» яратиш лозим деган масалага ҳам тўхталиб ўтилди [9]. Хусусан, Ш.М.Мирзиёев «Бугун ҳаёт янгича фикрлаш ва ишлаш, миллий «ақл марказлари»мизни шакллантиришни талаб этмоқда. Афсуски, атрофимиздаги барча сиёсий-ижтимоий жараёнларни чуқур тушуниб, таъсирчан тилда етказиб берадиган таҳлилчи ва экспертларимиз жуда кам. Бундай вазиятда жамиятимизни маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш борасидаги илмий-амалий тадқиқотларни тубдан қайта кўриб чиқиш зарур. Шу маънода, Маънавият ва маърифат, «Тараққиёт стратегияси», Ислом цивилизацияси марказлари, ижтимоий-гуманитар йўналишдаги тадқиқот институтлари ҳақиқий «ақл марказлари»га айланиши керак»лигини таъкидлади [9].

Ўтган ўттиз йил мобайнида интеллектуал салоҳиятни яратиш ва уларни ривожлантириш учун махсус тадқиқот институтлари яратилди, аммо бу тадқиқот институтлари ҳозирги мураккаб шароитда ўз функционал вазифасини бажармоқдами? Ёхуд ўтган йиллар мобайнида илм-фаннинг турли йўналишларида фаолият олиб борувчи ақлий марказлар дунё ақлий марказлари томонидан тан олинадими, каби саволлар бугунги куннинг долзарб муаммоси бўлиб қолмоқда. Агар масалага кенгроқ ёндашадиган бўлсак, бундан илгарироқ ижтимоий тармоқларда Ўзбекистоннинг «Ақл марказлари» ТОП-15 талиги: **«**Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази», «Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби», «Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти», «Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти», «Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти», «Халқаро муносабатлар ахборот-таҳлил маркази», «Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти», «Билимлар карвони» ННМ, «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати, «Ҳуқуқий муаммоларни ўрганиш маркази», «Маъно» тадқиқот ташаббуслари маркази, «Оммавий коммуникациялар масалалари бўйича марказ», «Иқтисодий ривожланишга кўмаклашиш маркази», «Таҳлил» ижтимоий тадқиқотлар маркази ҳамда «Тараққиёт стратегияси» марказлари рўйхати эълон қилинган эди.

«Глобал ақлий марказлар ҳисоботи» (‘Global Go To Think Tank Report’) рейтингида Марказий Осиёдаги энг яхши 63 та илмий-тадқиқот таҳлилий институтлари орасида Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази 10-ўринни эгаллаган. 2020 йилдаги рейтингда Ўзбекистоннинг Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти 26-ўринни, «Таҳлил» ижтимоий тадқиқотлар маркази 33-ўринни эгаллади. Албатта, бу ижобий ҳолат. Чунки бу ҳозирда юртимизда жамият ҳаётининг турли соҳаларидаги муаммоларни аниқлаш, уларни бартараф этиш бўйича олиб борилаётган тадқиқотларнинг натижаси ҳисобланади [10. Б. 89–90].

Мамлакатимиздаги мавжуд ақлий марказларнинг илмий фаолият йўналишини академик, давлат ҳамда хусусий даражаларга бўлишимиз мумкин. Бугун Янги Ўзбекистонда академик даражадаги «ақл марказлари» қандай бўлиши лозимлиги барчамиз учун муҳим.

Сўнгги тўрт йил ичида жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларини демократлаштириш ва либераллаштириш, янги Ўзбекистонни қуриш борасидаги ижобий ўзгаришларни нафақат мамлакат аҳолиси, балки хорижий давлатларнинг мутахассислари, таҳлилий марказлари, ҳалқаро ташкилотлар ҳам эътироф этмоқда. Албатта, бу ўзгаришлар мамлакат сиёсий тизими ривожланишида «янги курс» бошланганлигидан далолат бермоқда.

Хусусан, олий таълим соҳасида ҳам катта институционал ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Айни ўзгаришлар «Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади», деган ғоя негизида таълим ва фан соҳасида жиддий ва институционал ислоҳотларда кўриниши керак. Бу вазифани университетлар ва илмий-тадқиқот муассасалари бажариши лозим ҳисобланади. Бу борада «Университетлар ўзи жойлашган ҳудуднинг «ақл маркази»га айланиши керак», деган эди президент маслаҳатчиси Абдужаббор Абдувахидов.

Бугунги кунда илм-фан, таълим, инновация, технология ва кадрлар замонавий демократик жамият тараққиётининг ҳал қилувчи омили эканига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Мамлакат тараққиётини илм-фансиз замон талабларига мос равишда тасаввур этиш қийин. Бу борадаги ишлар изчил ва тизимли тарзда давом этмоқда. Мазкур соҳада «Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида»ги, «Инновацион фаолият тўғрисида»ги ва «Таълим тўғрисида»ги қонунлар, Президентнинг 170 дан ортиқ ҳужжати қабул қилинди, Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси, шунингдек, узоқ муддатли (2030 йилгача) Илм-фан, олий таълим тизими, давлат ва мактабгача таълим тизимларини ривожлантириш бўйича концепция тасдиқланди ва амалга оширилмоқда. Энг муҳим мақсадга эришиш йўлида инсон капиталини ривожлантиришга йўналтирилган, Ўзбекистоннинг 2030 йилга келиб «Глобал инновацион индекс» рейтинги бўйича жаҳоннинг 50 илғор мамлакати қаторига киришишига эришиш учун стратегик режа қабул қилинди.

Давлат даражасидаги «ақлий марказлар» сифатда «Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази», «Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти», «Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти» каби муҳим аҳамиятга эга бўлган таҳлилий марказларни келтириш мумкин.

Давлат даражасидаги Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатининг долзарб вазифалари бўйича илмий-тадқиқот фаолиятини олиб борувчи етакчи «ақлий марказ» сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти давлат илмий-тадқиқот муассасасини айтиш мумкин. Институт 1992 йил Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонига асосан ташкил этилган [9]. Мазкур институтнинг ахборот-таҳлилий ва илмий-тадқиқот фаолиятидаги асосий йўналишлар қуйидагилар: 1) Ўзбекистоннинг ички хавфсизлиги ва барқарор тараққиётини таъминлашнинг долзарб масалалари; 2) Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик масалалари, минтақа мамлакатлари билан кўп қиррали ҳамкорликни ривожланитириш истиқболлари; 3) халқаро хавфсизлик ва глобал ривожланишнинг жорий тенденциялари, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон мамлакатлари, халқаро ташкилотлар ва молия институтлари билан ҳамкорлик истиқболлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2021 йил 19 январь куни маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши «ақлий марказлар»ни шакллантириш ва ривожлантириш борасидаги фикрларидан келиб чиққан ҳолда, мазкур институт ҳам ўз фаолияти доирасида давлат ва жамият қурилишининг турли соҳаларида инновацион ғояларни бериши, бу борадаги «ноу-хау»лардан фойдаланишда таклифлар ишлаб чиқиш билан бирга мамлакатнинг эртанги истиқболи учун илмий асосланган таҳлилий маълумотлар асосида стратегик қарорларни қабул қилиш жараёнига ҳам таъсир ўтказа оладиган «ақлий марказ» бўлмоғи лозим.

Хусусий даражадаги «ақлий марказлар» фаолияти сезиларли даражада эмас. Чунки бу борада ечилиши лозим бўлган вазифалар бор. Хусусий даражада «ақлий марказ» сифатида фаолият олиб бориш учун бозор муносабатларига асосланган кучли эҳтиёжнинг йўқлиги, жамият ҳаётидаги мавжуд муаммоларнинг илмий ечимини топишда фуқароларнинг ҳукумат органларига боғланиб қолиши ҳамда хусусий даражада ташкил этиладиган илмий-тадқиқот муассасаларини молиялаштириш,

давлат грантлари ажратилиши ва бошқа шу каби муаммолар бу борадаги ислоҳотларга тўсқинлик қилмоқда. Натижада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «ижтимоий-маънавий муҳитни илмий асосда таҳлил қилишни даврнинг ўзи талаб этмоқда. Жамиятимизда маънавий-маърифий ишлар шундай асосда йўлга қўйилмагани учун ҳам кутилган натижани бермаяпти» [11. Б. 2].

Умуман олганда, мамлакатимизда «ақлий марказларни» ривожлантириш учун давлатимиз томонидан кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Фақат уларнинг натижасини юзага чиқариш кадрлар ва уларнинг салоҳиятига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Шу сабабдан Президентнинг 2020 йилнинг 29 декабрь куни навбатдаги Олий Мажлисга ва халқимизга йўлланган Мурожаатномаси келгусида мамлакатимизни янада ривожлантиришга қаратилган энг муҳим вазифалар, ички ва ташқи сиёсатга доир устувор йўналишлар белгиланиши қайд этилди ҳамда «Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган экан-миз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Беруний-лар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак. Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим» [12.Б. 2] эканлиги таъкидланди.

Буларнинг замирида инсон ресурсларини ривожлантириш орқали Ўзбекистон замонавий жамиятда ўзининг «юмшоқ куч» дипломатиясининг комплекс концептуал моделини намоён этиши масаласи ётади. Ж.Най «юмшоқ куч»нинг асосий манбаси сифатида тарих ва маданиятни мисол тариқасида келтиради. Иқтисодий «юмшоқ куч» (economic soft power); гуманитар «юмшоқ куч» (human capital soft power); маданий «юмшоқ куч» (cultural soft power); сиёсий «юмшоқ куч» (political soft power); дипломатик «юмшоқ куч» (diplomatic soft power) – Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатда халқаро майдондаги обрў ва эътиборини белгилаб берадиган муҳим жиҳатлардир.

Адабиётлар:

1. *Уткин А.И.* Рузвельт. – Москва: Культурная революция. 2012. – 670 с.
2. Экономика США. Ресурсы, структура и динамика. Учебник. /Ред. В.Б.Супян. – Москва: Магистр: Магистр: ИНФРА-М, 2014. – 480 с.
3. *Эйбелсон Д.* Мозговые центры иамериканская внешняя политика: история вопроса. [Электронный ресурс].URL:https://gtmarket.ru/library/articles/4570 (дата обращения:20.01.2021)
4. *Ушкалов И.Г.* Процесс трудовой эмиграции: состояние и перспективы// Российский экономический журнал,1993. –№2. –С.41–48.
5. *Петраченко А.С.*Проблема»утечки умов» из Россиив контексте интеллектуальной безопасности страны // Журнал ВЛАСТЬ, 2007.–№ 9.–С.52–55.
6. *Задорожный А.* Утрачивается умение мыслить, и это страшно [Электронный ресурс]. URL:https://www.znak.com/2020-09-14/pochemu_85_studentov_v_rf_ne_hotyat_i_ne_gotovy_uchitsya_i_kak_mozhno_ispravit_situaciyu(датаобращения:08.01.2021)
7. *Аллен Р.* Глобальная экономическая история. Краткое введение. – Москва: Издательство: ДеЛи, 2017. – 224 с.
8. *Гриф А*. Взгляд на внешнюю политику России: мозговые центры и основные нарративы. Обзор доклада. [Электронный ресурс].URL:https://caa-network.org/archives/18559(дата обращения:09.01.2021)
9. *Мирзиёев Ш.* Жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир. [Интернет манба].URL:https://president.uz/uz/lists/view/4089(Мурожаат этилган сана: 03.02.2021)

10. *James G. McGann.* 2019 Global Go To Think Tank Index Report. [Online]. URL: https://repository.upenn.edu/cgi/viewcontent.cgi?article=1018&context=think_tanks (Мурожаат этилган сана: 01.02.2021)

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти (СМТИ). [Интернет манба]. URL: http://isrs.uz/uz/page/smti-haqida (Мурожаат этилган сана: 10.01.2021)

12. *Мирзиёев Ш.* Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. 29.12.2020. [Интернет манба].URL: https://president.uz/uz/4049 (Мурожаат этилган сана: 08.01.2021)

«THINK TANKS»– THE BASIS FOR THE DEVELOPMENT OF GOVERNMENT AND PUBLIC

U. Botaev[1],O. Ganiev[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Humanitarian Studies. 2021. 1(53). 5-13.

[1]National University of Uzbekistan, Tashkent, 100174, str. University, 4 (Uzbekistan). E-mail: devonxona@nuu.uz

Keywords:»Think tank", intellect, intellectual security, creation of ideas, commercialization, civil servant.

This article provides a systematic analysis of the origins of the «Think tanks", their activities and their current significance. The article also cites the experience of the United States and Russia in the development of «Think tanks». In addition, the status of «Think tanks»in the Republic of Uzbekistan and the need for their development are described.

The Intellectual Center or «Think tank»is a group of experts engaged in strategic analytical activities on social, economic, political, security and military issues in all spheres of society. Probably for this reason, the idea that «intellectual centers» are recognized as the «fifth power» in world politics today, plays a leading role in policy-making in the developed countries of the world and recommends expert opinions in different situations. Based on this, today the «think tanks» conduct research in the areas of lobbying, human rights, cultural activities and targeted activities.

New Uzbekistan is a country where human development and talent are valued. Today, no one doubts that science, education, innovation, technology and human resources are a decisive factor in the development of a modern democratic society. It is difficult to imagine the development of the country in accordance with modern requirements without science. Work in this direction continues in a consistent and systematic manner. In this area, the laws «On Science and Scientific Activity», «On Innovative Activity» and «On Education», more than 170 Presidential documents, the Strategy of Innovative Development of the Republic of Uzbekistan, as well as long-term (until 2030) Science – The concept of development of science, higher education, public and preschool education has been approved and is being implemented. In order to achieve the most important goal, a strategic plan was adopted to join the top 50 countries in the world by 2030, according to the Global Innovation Index, aimed at developing human capital.

In general, Uzbekistan is carrying out large-scale reforms to develop «think tanks» in the country. Only the disclosure of their results depends on the personnel and their potential. Therefore, the Address of the President to the Oliy Majlis and Uzbek people on December 29, 2020 is a great wisdom based on the most important tasks for the further development of the country, the priorities of domestic and foreign policy. «Since we have set ourselves the great goal of building the foundations of the Third

Renaissance in our country, we must create an environment and conditions that will nurture new Khorezmians, Beruni, Ibn Sino, Ulugbeks, Navois and Baburs. In this regard, first of all, the development of education and upbringing, healthy lifestyles, the development of science and innovation should serve as the main pillars of our national idea».

References:

1. Utkin, A.I. (2012) *Ruzvel't* [Roosevelt]. Moscow: Kul'turnaya revolyuciya.
2. Supyan, V.B. (ed.) (2018) *Resursy, struktura i dinamika. Uchebnik.* [Economics of the USA. Resources, structure and dynamics. Textbook]. Moscow: Magistr: INFRA-M.
3. Ejbelson, D. (2007) Mozgovye centry i amerikanskaya vneshnyaya politika: istoriya voprosa [«Brain Centers»and American Foreign Policy: History of the Question]. [Online]. URL:http://usinfo.state.gov (date of access:20.01.2021)
4. Ushkalov, I.G. (1993) Process trudovojemigracii: sostoyanie i perspektivy [The process of labour emigration: current condition and perspective]. *Rossijskij ekonomicheskij jurnal*. No 2. Pp. 41-48.
5. Petrachenko, A.S. (2007) Problema «utechki umov» iz Rossii v kontekste intellektual'noj bezopasnosti strany [The problem of the intellects who are leaving Russia in the context of intellectual security of the country]. Jurnal VLAST. No 9. Pp. 52-55.
6.Zadorjniy, A. (2020) Utrachivayetsa u meniye mislit, i eto strashno [The ability to think is lost, and it's scary]. [Online].URL: https://www.znak.com/2020-09-14/pochemu_85_studentov_v_rf_ne_hotyat i_ne_gotovy_uchitsya_i_kak_mozhno_ispravit_situaciyu (date of access: 08.01.2021)
7. Allen, R. (2017) *Global'naya ekonomicheskaya istoriya. Kratkoe vvedenie* [Global economic history. Short introduction]. Moscow: Izdatel'stvo: DeLi.
8. Grif, A. (2019) Vzglyad na vneshnyuyu politiku Rossii: mozgovye centry i osnovnye narrativy. Obzordoklada. [View of the foreign policy of Russia. Think tanks and main narratives. Review of the Report]. [Online]. URL:https://caa-network.org/archives/18559 (date of access:09.01.2021)
9. Mirziyoev, Sh.M. (2021) *Jamiyat hayotining tanasi iqtisodiyot bo'lsa, uning joni va ruhi ma'naviyatdir* [If the body of society is the economy, its soul and spirit is spirituality]. [Online]. URL:https://president.uz/uz/lists/view/4089 (date of access: 03.02.2021)
10. Games, G. McGann. (2019) *Global Go To Think Tank Index Report.* [Online]. URL:https://repository.upenn.edu/cgi/viewcontent.cgi?article=1018& context=think_tanks (date of access:01.02.2021)
11. Institute for Strategic and Interregional Studies under the President of the Republic of Uzbekistan. *SMTI* (2018) [About the Institute of Strategic and Interregional Studies]. [Online]. URL:http://isrs.uz/uz/page/smti-haqida (date of access: 10.01.2021)
12. Mirziyoev,Sh. (2020) Prezident Shavkat Mirziyoevning Oliy Majlis va O'zbekiston xalqiga Murojaatnomasi. 29.12.2020.[Addressof President Shavkat Mirziyoyev tothe Oliy Majlis and the people o fUzbekistan]. [Online]. URL: https://president.uz/uz/4049(date of access: 08.01.2021)

Муаллифлар ҳақида маълумот:

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Ўзбекистон Миллий университети Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқ таълими кафедраси доценти. E-mail: usmonuz@mail.ru

Ғаниев Ойбек Нуриддин ўғли – Ўзбекистон Миллий университети Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқ таълими кафедраси тадқиқотчиси. E-mail: oybekg@yahoo.com